БОШЛАНҒИЧ СИНФ ДАРСЛИКЛАРИДАГИ ФРАЗЕМАЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Б. Болтаева

Мақолада бошланғич синф дарсликларида қўлланилган ўзбек тили фраземалари ва уларнинг трансформацияси хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *фразема, фраземалар трансформацияси, фраземик неологизм.*

В статье рассматриваются фраземы узбекского языка и их трансформация, на материале учебников начальных классов.

Ключевые слова: *фразема, трансформация фразем, фраземический неологизм.*

This article is devoted to the study of phrasemes of the Uzbek language in the text books of primary schools and their transformation.

Keywords: *phraseology, phraseme, transformation, occasional phrasemes.*

Нутқимиз кўрки, миллатнинг маънавий бойлиги бўлмиш фраземалар замирида халқнинг маданияти, ҳаёт тарзи, ижтимоий-сиёсий қарашлари, тарихи, урф-одати мужассам бўлар экан, “болаларимизга қачондан бошлаб, қандай қилиб, қандай усулда ва услубда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни ўргатишимиз, чуқур англатишимиз керак” деган савол юзага келади. Жавоби ҳам аниқ: бу ишни “боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфлардан бошлашимиз керак” [1].

Зеро бу даврда “ажойиб ўқитувчи бўлган она тили болага кўп нарсани ўргатади. Бола икки-уч йил ичида шунча кўп нарса ўрганадики, кўп нарса билиб оладики, йигирма йил қунт билан ва методик жиҳатдан жуда тўғри ўқиганда ҳам, унинг ярмича ўргана олмайди. Она тилининг улуғ педагоглиги ҳам ана шундадир” [2.40].

Илмий ва расмий иш қоғозлари услубида иборалар кам ишлатилади. Аммо бадиий

ва публицистик услубдаги асарларда иборалар жуда кўп қўлланади. Ёзувчилар халқ тилида аввалдан мавжуд ибораларни мавзуга, воқеликка мослаштириб, асар мазмунига сингдириб юборадилар ва бу билан асар таъсирчанлигини янада орттирадилар. Худди шундай бошланғич синфлар ўқиш китобларида ҳам шундай асарлар борки, улар иборалардан холи эмас. Маълумки, бошланғич синф ўқувчиларининг тафаккури образлидир. Шуни ҳисобга олган ҳолда, ўқиш китобларига матнида иборалар келтирилган асарлар киритилади ва бу уларнинг қизиқарлилигини таъмин этади. Ушбу ибораларни ўрганиш билан болаларнинг тил бойлиги ошиб боради.

Бошланғич синф "Ўқиш", "Она тили" дарсликлари ва болалар учун мўлжалланган қўшимча адабиётлар таҳлил қилинганда, уларда ўзбек тили фраземалари кўп қўлланганини кўриш мумкин. Чунки фраземалар сўзларга қараганда фикрни ёрқинроқ, таъсирчанроқ ифодалайди: *Бор, бор, тошингни тер! - деди-да, катта ирмоқ ўпкасини қўлтиқлаб узоқларга кетди* [6.144]. Бу ўринда салбий маъно англатувчи **"ўпкасини қўлтиқламоқ"** ибораси "шошиб" нейтрал сўзига қараганда кўпроқ ва аниқроқ тушунча ҳосил қилади, шу билан бирга, асар қаҳрамонига нисбатан салбий баҳо оттенкасини ҳам беради. Бу каби фраземалар бадиий асарлардан олинган парчаларда, эртакларда ва ҳатто шеърлар таркибида ҳам кўплаб учрайди. Жумладан:

1. *Меҳнатда **қотса ҳам суягинг**,*
   *Ҳеч **ерга тегмасин курагинг*** [6.5].
2. *Бу йил саксонга тўлади, умр оқар дарё, **кўз очиб юмгунча**, шу ёшга етиб қолибди* [6.5].
3. ***Димоғ**ларни **чоғ** этар*
   Унинг шодон навоси [6.9].
4. *Айниқса, расм дарсини **жини суймайди*** [6.10].
5. *Лекин **сир бой берма**сликка уриниб, чегарачиларга имо қилди* [6.11].
6. *Бу гап Расулга **айилдай ботди*** [6.11].
7. *–Чизолмайсан!- деди Самад **тап тортмай*** [6.11].
8. *Бу сирнинг тагига етолмай, Расулнинг жуда **боши қотди*** [6.14].
9. *Акаси **ўйлаб ўйига етгунча** номини ўзи топди* [6.14].
10. *Диққат билан **қулоқ сол*** [6.14].

Шу ўринда айрим статистик маълумотларни қайд этиб ўтиш жоиз. 4-синф ўқиш китобида жами 121 ўринда ибора қўлланган бўлиб, уларнинг қўлланиш частотаси турлича: *"кўз очиб юмгунча" ибораси 2 ўринда; "боши қотди" ибораси 4 ўринда; "кўзи тушди" ибораси 6 ўринда;* "*қулоқ солмоқ" ибораси* 8 *ўринда қўлланган.* Бу жиҳатдан дарсликда қўлланган иборалар ичида етакчиликни "кўнгил" компоненти асосида ташкил қилинган фраземалар эгаллайди, улар ўн икки ўринда қўлланган:

1. ***Кўнглим**га оғир тегди* [6.14]*;*
2. *... менинг ҳам **кўнглим** бузилди* [6.17]*;*
3. *...кўп илтифотлар қилиб, уларнинг **кўнгил**ларини кўтарди* [6.67]*;*
4. *Ҳаким онасининг юз-кўзидан ўпиб, унга тасалли берди, **кўнгли**ни кўтарди* [6.69]*;*
5. *Баҳор бўёқ бозоридан **кўнгли** тўлиб чиқиб кетибди* [6.88]*;*
6. *Биринчи дуодан **кўнгли** тоғдек кўтарилган...* [6.114]*;*
7. *У тобора **кўнгли**ни яшнатиб,,,* [6.114]*;*
8. *... деган фикр **кўнгли**дан ўтди Баҳромнинг* [6.128]*;*
9. *Кампир **кўнгли** бўшашиб, ҳасратга тушди* [6.187]*;*
10. *... **кўнгли**мизни тинчитиб қўйсангиз* [6.198]*;*
11. *"Хамса"си **кўнгил**ни шамдек ёритган* [6.199]*;*
12. ***... кўнгли** бузилиб, йиғлаб юборишига озгина қолибди* [6.201].

Кўринадики, "кўнгил" компонентли фраземалар бошланғич синф ўқувчилари томонидан фаол қўлланилар экан, демак, улар ушбу тил бирлигининг маъно нозикликларини пухта ўзлаштириб олиш имконига эгалар. Дарсликдаги матнлар таркибида фраземаларнинг айримлари, хусусан, "кўнгил" компонентли фраземаларнинг анъанавий шаклидан ўзгартириб қўлланган бу имкониятни янада кенгайтиради. Ўзгартиришнинг сабабларидан бири қуйидагича изоҳланиши мумкин: ёзувчи ва шоирлар бир матн таркибида бир фраземани такрор қўллашга тўғри келганида, тавтологиянинг олдини олиш мақсадида, унинг шаклини ижодий ўзгартириб ишлатадилар. Бироқ бу шаклий ўзгариш натижасида фразема янги маъно нозикликлари билан тўйинтириладики, бу жиҳати ҳам ғоят муҳимдир. Мисол учун, "кўнглини ёритмоқ" фраземаси ўрнида "кўнгилни шамдек ёритган" фраземаси қўлланган. Умумтилдаги "кўнгли ёришмоқ" фраземаси таркибига маънони ёрқинроқ акс эттириш мақсадида "шамдек" сўзини қўшиш билан маълум образлиликка эришилган ва маъно таъсирчанлиги ошган: *"Хамса"си кўнгилни шамдек ёритган* [6.199]. Бу ўринда фразема таркибига сўз қўшиш усулидан фойдаланилган. Ёки Анвар Обиджон томонидан *"кўнглини яшнатиб"* индивидуал-муаллиф фраземаси яратилганки, бу фразема ўзбек тилининг изоҳли фразеологик

луғати таркибида учрамайди: *У тобора **кўнгли**ни яшнатиб, янгидан янги танишлар орттириш, самимий чеҳраларни кўпроқ кўриш орзусида олдинга қараб бораверибди* [6.114]. Матндан англашиладики, “кўнглини яшнатмоқ” фраземаси ўзбек тилининг фразеологик луғатидаги “кўнгл(и) равшан” (кўнгл(и) равшан *кимнинг* дили ҳар қандай нохушликлардан холи); ва *“кўнгл(и) ўсмоқ”* (кўнгл(и) ўсди кимнинг нимадан руҳланмоқ) фраземалари маъносига яқин янги фраземадир. Бу каби фраземалар фақатгина шу матн таркибида ишлатилиб, бошқа асарлар таркибида қўлланмайди. Умуман тилимизга кирган ва кираётган бу каби индивидуал-муаллиф фраземалари ўзбек тилида борган сари ривожланмоқда, ўзлашиб, жонли тилда ҳам, адабий тилимизда ҳам кенг миқёсда ишга солинмоқда. Айрим янги индивидуал-муаллиф фраземалари бадиий асарда бир-икки марта қўлланиб, сўнг йўқ бўлиб кетади, адабий тилдан мустаҳкам ўрин ололмай, ўткинчи характерга эга бўлади. Айримлари эса фаол қўлланилиб, индивидуалликдан умумийликка ўтади.

3-синф ўқиш китобида 47 ўринда фразема қўлланган бўлиб, бунда ҳам фраземаларнинг анъанавий тарзда ва ўзгартириб қўлланганини кўриш мумкин. Мисол учун, шоир Абдулла Орипов *“умид боғламоқ”* фраземасини қуйидагича образли ифодалайди:

Келажакнинг ипларига

Умидни боғлар болалар [5.105].

Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғатидаги “*умид боғламоқ”* фраземаси таркибига *“келажакнинг ипларига”* сўз бирикмасини қўшиш орқали фразема таркиби кенгайтирилган.

“Бой тарихини кўз қорачиғидек асраш, авайлаш келажак авлодларга асл ҳолида етказиб беришдир” [5.3] гапида *“кўз қорачиғидек асраш”* ибораси анъанавий шаклда қўлланган бўлса, бошқа ўринда айнан шу ибора бироз ўзгартириб қўлланилганини кўриши мумкин:

Ватанимни, халқимни

Кўз қорамдек сақлайман [6.108].

Кўринадики, *“кўз қорачиғидек асраш”* ибораси *“кўз қорамдек асрайман”* тарзида, *“қорачиқ”* сўзи ўрнига *“қора”* сўзини келтириш билан ўзгартириб қўлланган.

Бошланғич синф дарсликларида фраземаларнинг баъзан турли стилистик усуллар билан қўлланганига гувоҳ бўламиз. Мисол учун*: Нафаси оғзига тиқилган Бахтли ранги ўчиб, қони қочиб, бир амаллаб уйига етиб борибди.* Бу ўринда плеоназм ҳодисаси содир бўлган. Маълумки, “плеоназм” (грек.pleonasmos – ортиқчалик) нутқда бир-бирига яқин маъноли ёки деярли бир хил маъноли бирликларнинг (ортиқча ҳолатда) қўлланилиши, бир информациянинг бир неча марта ифодаланиши демакдир. Гап таркибидаги *“**ранги ўчиб”, “қони қочиб”*** иборалари айнан бир хил маънони англатса-да, уларни кетма-кет қўллаш орқали ёзувчи томонидан маълум сўз ўйини юзага келтирилган.

Шунинг билан бирга айрим фраземик неологизмларга ҳам дуч келинди: *Гапи оғзидан тушиб кетадиган, онасининг этагига ёпишиб, ҳиқиллаб юрадиган эркатойлардан чинакам аскар ва зобитлар чиқмайди* [6.104]. Гапда қўлланган ***“гапи оғзидан тушиб кетадиган”*** ибораси ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳали акс этмаган фраземик неологизмдир. Ёзувчининг маҳорати билан айтилмоқчи бўлган фикрни ёрқин ифодаловчи янги ибора юзага келган.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 9-сессиясида сўзланган нутқ. 1997 й. 29-август.

2. Ушинский К.Д. Танланган педагогик асарлар.- Т.: Ўзад.нашр,1959.

3. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Филология фан. докт. ... дисс.- Т., 2000.

4. Маматов А.Э. Фразеологик стилистика масалалари.Т.: Фан ва техника, 1991.- 119 б.

5. М.Умарова, Х.Хамроқулова, Р.Тожибоева. Ўқиш китоби. 3-синф.- Т.: Ўқитувчи, 2014.

6. **[**Р.Икромова], Х.Ғуломова, Ш.Йўлдошева, Д.Шодмонқулова. Ўқиш китоби. 4-синф.- Т.: Янгийўл полиграф сервис, 2015.

Жиззах давлат педагогика институти,
2017 йил да қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.н. Д.Неъматова)